



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Р.Глиэр номидаги республика
ихтисослаштирилган мусиқа
мактаби директори
А.Х.Джамалдинов
2022 йил

Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа
мактабининг энг яхши таклифини танлаш комиссияси йиғилишининг
9-сонли БАЁННОМАСИ

“ 27 “ октябрь 2022 йил

Тошкент ш.

Қатнашдилар:

Комиссия раиси; Директор – А.Джамалдинов

Комиссия
аъзолари: Маънавий ва маърифий ишлар бўйича
директор ўринбосари А.Умрзоков
бош ҳисобчи Ғ.Абилов, Иқтисодиёт
ва Молия бўйича директор
ўринбосари Р.Иргашев, Хамшира
Ғ.Маликова, Комендант Ғ.Садикова

КУН ТАРТИБИ:

Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг 3-чи сонли ўқувчилар турар жойини жорий таъмирлаш тўғрисида.

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан комиссия аъзоси – Маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари А.Умрзоков сўзга чиқиб, Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби 3-чи сонли ўқувчилар турар жойини жорий таъмирлаш учун 13.10.2022 йилдаги **22110012163773** -сонли лот рақами билан давлат ҳариди юзасидан махсус ахборот порталига жойлаштирилган танлов эълони юзасидан икки кун муддатда эътироз келиб тушмаганлигини айтиб, ушбу эълон бўйича ўз таклифини тақдим этган **“TEMURBEK-STROY” МЧЖ** нинг 732 723 851,30 сўмга шартнома қилиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзолари томонидан атрофлича муҳокама этилиб, қарор қилади:

1. Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактаби 3-чи сонли ўқувчилар турар жойини жорий таъмирлаш бўйича “**TEMURBEK-STROY**” МЧЖнинг таклиф нархлари, хизмат турлари мусиқа мактаби учун энг мақбул деб топилганлиги сабабли ва икки кун муддатда ҳеч қандай эътироз келиб тушмаганлигини инобатга олиб бир овоздан маъқуллансин.

2. “**TEMURBEK-STROY**” МЧЖ танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу ташкилот билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.

3. Ушбу баённома ижроси Бош ҳисобчи Абилов Ғ.Э зиммасига юклатилсин.

Комиссия аъзолари:

Директор ўрин.

А.Умрзоков

Директор ўрин.

Р.Иргашев

Бош ҳисобчи

Ғ.Абилов

Хамшира

Г.Маликова

Комендант

Г.Садикова

“27” 10 2022 йил

Тошкент ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштрилган мусиқа мактаби номидан Низом асосида иш кўрувчи директори А.Джамалдинов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “TEMURBEK STROY” масъуляти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш курувчи директори Б.Нурматов иккинчи томондан Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштрилган мусиқа мактабининг №3 ўқувчилар турар жойи биносини жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилган;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойихада кўзда тутилган Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштрилган мусиқа мактабининг № 3 ўқувчилар турар жойи биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси натижасида аниқланиб, Танлов комиссиясининг (163773) 24.10.2022 йилдаги электрон танлов баённомаси билан тасдиқланган ишлар қийматининг барча солиқлар шу жумладан ҚҚС билан объектнинг қиймати (732 723 851.30) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегшли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

қурилиш майдониغا зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш объекти бўйича фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тегишли тартибда тасдиқланган ҳолда объектни буюртмачига топшириш

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага I-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича объектни фойдаланишга топшириш муддати **15 (Ўн беш)** кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг **30 фонзи: – 219 817 155.39** (Икки юз ўн тўққиз миллион саккиз юз ўн етти бир юз эллик беш) сўм 39 тийин миқдоридан аванс маблағини ўтказиб беради.

Яқуний қолган **70 фонзи: – 512 906 695.91** (Беш юз ўн икки миллион тўққиз юз олти минг олти юз тўқсон беш) сўм 91 тийинни тўлов графигига асосан амалга оширади.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш объекти бўйича фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини тегишли тартибда тасдиқланган ҳолда объектни буюртмачига топшириш

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулк жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича объектни фойдаланишга топшириш муддати **15 (Ўн беш)** кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг **30 фоизи: – 219 817 155.39** (Икки юз ўн тўққиз миллион саккиз юз ўн етти бир юз эллик беш) сўм 39 тийин миқдоридан аванс маблағини ўтказиб беради.

Яқуний қолган **70 фоизи: – 512 906 695.91** (Беш юз ўн икки миллион тўққиз юз олти минг олти юз тўқсон беш) сўм 91 тийинни тўлов графигига асосан амалга оширади.

33. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

34. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

35. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

36. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

37. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 36-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

38. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

39. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш

40. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

41. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

42. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

43. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

44. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

45. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

46. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб **5 кун** мобайнида қабул қилиб олинади.

47. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан **5 кун** олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

49. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

50. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

53. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

54. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

55. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

56. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

57. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,1 фонзи** миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50 фонзидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

58. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **15 фонзи** миқдориде жарима тўлайди.

59. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,1 фонзи** миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50 фонзидан** ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,1 фонзи** миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фонзидан** ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

60. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **15 фонзи** миқдориде жарима ундириш ҳуқуқига эга.

61. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

62. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

63. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Коррупцияга қарши шарт

64. Томонлар:

Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартномада бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирилик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатсизликларни содир етмайдилар;

Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

65. Томонлар ушбу Шартноманинг 67-бандидаги талабларни бузиб содир етганлиги ёки содир етилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақида иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

XVII. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

R GLIER NOMIDAGI RIMM
SX/R100010860262807092100056001
INN: 201448915 MFO: 00014
MANZIL: OLMAZOR.TUM.ZIYO-4
MOLIYA VAZIRLIGI GAZNACHILIK
ÖZBEKISTON RESPUBLIKASI
MADANIYAT VAZIRLIGI
X/R 234D2DDD3D01QQBQ10J0



А. Джаманшиев

Юрист: *Алиф Х. Аскарбеков*

Пудратчи

“TEMURBEK STROY” маъсуляти
чекланган жамияти

Манзил: Тошкент ш. Чилонзор тум. Арпапоя
кучаси 12 уй.
х/р 20208 0004 0086 3809 001
АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк бунёдкор ф-л»
ИНН: 305450798
МФО: 01072
ОҚЭП: 41202



Б. Нурматов

ООО "TEMURBEK STROY"

Тошкент ш.

02.04.2018й

Директор тайинлаш тўғрисида

Буйруқ №1

1. Нурматов Бекзод Иннутуллаевич 02.04.2018-йилдан ООО "TEMURBEK STROY" га директор этиб тайинлансин, унга штат жадвали асосида иш хақи белгилансин.

Асос: Йиғилиш баёни №1 02.04.2018-й.

Меҳнат шартномаси №1 02.04.2018-й

Буйруқ билан танишдим

Директор:



Б. Нурматов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TEMURBEK-STROY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TEMURBEK-STROY" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

02.04.2018

595528

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305450798

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Arpapoya ko'chasi 12-uy.,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИСИ СИФАТИДА
РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА
ГУВОҲНОМА

СВИДЕТЕЛЬСТВО
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

ҚҚС РЎЙХАТ РАҚАМИ
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС 326060128342

Мазкур гувоҳнома ҚҚС солиқ тўловчиси сифатида ҳисобга қўйилганлиги ва ҚҚС
шахсий рўйхатга олиш рақами берилганлигини тасдиқлайди

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в
качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного
номера НДС

Солиқ тўловчининг номи
Наименование налогоплательщика ООО "TEMURBEK-STROY"

Солиқ тўловчининг идентификация рақами
Идентификационный номер налогоплательщика 305450798

Шаҳс ҚҚС солиқ тўловчиси бўлган сана
Дата с которой лицо становится плательщиком НДС 01.11.2020

Рўйхатдан ўтиш санаси
Дата регистрации 23.10.2020



Маълумотномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун
мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки
подлинности информации.